

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАНШАБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил июл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • Баҳоси эркин нарҳда



●Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тоҳир Ғофурович Раҳимовни Ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди.

●Республика Вазирлар Маҳкамасида 2000 йилгача қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган мажлис бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

●Мамлакатимиз Ҳиндистон билан нафақат иқтисодий, балки илм-фан соҳасида ҳам алоқаларни кенг йўлга қўйган. Мирзо-Улугбек номли Тошкент давлат университети халқаро журналистика бўлимининг бир гуруҳ талабалари таҳсил олиш учун ана шу дўст мамлакатга жўнаб кетганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

●Қадимий ва навқирон Бухорои шарифда янги телестудия ишга тушди. Яхши ният билан «Истиқлол» деб ном берилган ушбу студия ўзбек, рус ва тожик тилларида кўрсатувлар бериб боради.

●Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига Самарқанддаги «Нафис» ҳиссасдорлик бирлашмаси жамоаси ҳам муносиб тўхфа ҳозирлади. Бу ерда соҳибқирон бобомиз тасвири туширилган бежирим, чиройли ва сержило чинни буюмлар ишлаб чиқарила бошланди.

●Хоразм вилоятининг Шовот туманида ҳам қишлоққа саноат ва ишлаб чиқариш тармоғини олиб киришга катта эътибор қаратилаёпти. Биргина тумандаги Маҳтумқули номли жамоа хўжалигининг ўзида ўн иккита кичик корхона фаолият юритяпти.

●Республика Олий ҳўжалик суди ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Банклар иштирокидаги жанжалли масалаларни суд амалиётида умумлаштириш материаллари ва ҳўжалик судлари қарорларининг банк муассасалари томонидан ижроси тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

ЎЗА ва республика матбуоти хабарлари асосида тайёрланди

УШБУ СОНДА:

УШБУ СОНДА:

3-БЕТ:
ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ

4-БЕТ:
БОЛАЛАР ДУНЁСИ

6-БЕТ:
ВИДЕО ОЛАМИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР, САРА ФИЛМЛАР
БИЛАН ТАНИШАСИЗ



**АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!**



Тел: 363084

Тел / 343176
Факс:

Яна кечикаяпти ...

●Ахборот

ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Республика Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1996 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хотин-қизлар шўбаларининг фаолияти натижалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова бошқариб борди.

Йиғилишда тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек хотин-қизлар билан ишлаш шўбаларининг ҳамкорликда амалга оширган ишлари натижасида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, касб-хунар малакаси сезиларли даражада ортганлиги таъкидланди. Хотин-қизлар меҳнатини ташкил этиш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оила ва никоҳни мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу билан бир вақтда қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг турмуш маданиятини ошириш, қизларни турмушга тайёрлашни яхшилаш, улар фаоллигини ошириш асосий вазифа бўлиб қолаётгани таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

САМАРАЛИ ТАДБИРЛАР

Кейинги йилларда экологик номуносиблик сабабли туманимиздаги 15 минг аёлдан қариб 80 фоизи турли касалликлар (буйрак, камқонлик) билан оғирган. Биз ана шу муаммони бартараф этиш мақсадида туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда аёллар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларни амалга оширдик. Яъни, ҳар 6 ойда туғиш ёшидаги аёллар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтади. Аёллар терапияси бўлимида эса икки босқич: 1) туғуққа тайёрлаш (2 ҳафта олдин); 2) туғишдан кейинги асоратларни даволаш асосидаги муолажалар ўтказилмоқда.

Ҳомиладор аёлларнинг 5-ойдан декрет таътилига чиқиш ташаббусини ўртага ташлаб, буни Амударё жамоа ҳўжалигида қўлаб кўрдик. Энди буни бошқа жамоа ҳўжаликларида ҳам кенг қўлламоқчимиз.

1996 йилнинг биринчи ярим йиллигида Олёт туманидаги 1350 нафар кам

таъминланган оилага 1 миллион 644 минг 300 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ўзгалар қарамонига муҳтож бўлган 114 нафар фуқаро доимий назоратимизда. Шулардан 50 тасини хотин-қизлар ташкил этади.

1995 йилда туман бўйича 533 жуфтлик никоҳдан ўтиб, шулардан 14 тасида ажралиш қайд этилган бўлса, 1996 йилнинг биринчи ярмигача 209 та оила қурилиб, шулардан 8 тасида ажралиш ҳоллари қузатилган.

Оила, никоҳ ҳақида гап кетар экан, туманимизда учрайдиган қизиқ бир одат ҳақида ҳам тўхталсам. «Қиз ўғирлаш» дея номланадиган бу одат унсурлари ҳалигача туманимизда мавжуд. 1993-1994 йилларда туманда қиз ўғирлаш ҳоллари кескин кўпайган эди. Ҳозирга келиб бу ҳолнинг қайта кўзатишлари йўқ.

Туманимизнинг 50 йиллиги муносабати билан кам таъминланган оилаларнинг

фарзандларидан 20 жуфтликка никоҳ тўйи қилиб бергандик. Бугунги кунда бу жуфтликлар жуда аҳил яшамоқда.

Денов жамоа ҳўжалигидаги марҳум Арслон Пиримовнинг оиласида 6 нафар фарзанд етим қолганди. Биз улардан доим хабар олиб тураемиз. Ўтган йили марҳумнинг фарзандларидан икки нафарига суннат тўйи қилиб бердик.

Туман хотин-қизлар кўмитасининг ташаббуси билан ҳар хил тадбирлар: кўриклар, танловлар, мусобақалар ҳам уюштирилиб турилади. «Аёл, оила ва маънавият», «Аёл - оила чироғи» тадбирлари, «Иқбол», «Алла», «Тарбиячи», «Ҳамшира», «Соғувчи» кўрик-танловлари шулар жумласидандир.

Зайнаб ТўРАЕВА,
Олёт тумани хотин-қизлар
кўмитаси раиси



САХОВАТЛИ ТАДБИРКОР

Роза Турсуновани Навоий шаҳридагиларнинг аксарияти яхши танишдир. Бу тадбиркор аёл хориждан турли хил товар маҳсулотлар келтириб, республикамиз бозорларини халқ эҳтиёжидagi моллар билан тўлдириш ниятида жавлон урмоқда.

1 июн Халқаро болалар куниди. Р. Турсунова сафарда эди. Шу боис бу йил у кичкинтойларни йўқлашга фурсат тополмади. Аммо сал кейинроқ уларга кўнглидан чиқариб моддий берди.

Умуман олганда, бу ишбилармон аёлнинг иш мазмуни хайр-эҳсон саховат, бағрикенглик каби тушунчалар билан муштарак. Шу сабаблари ҳар қандай бошлаган ишида унга омад кулиб боқаверади.

● Божхона хабарлари АСОСИЙСИ ХУШЁРЛИК

*10-пост божхона ходимлари томонидан 12 июнда Тошкент-Дехли йўналишидаги ҳаво рейси назоратдан ўтаётганида Б. исмли мамлакатимиз фуқароси божхона баённомасида кўрсатилмаган 12386 АҚШ долларини гайриқонуний тарзда олиб кетишга уринганлиги аниқланди.

*13 июнда Тошкент-Франкфурт йўналишининг йўловчилари кўздан кечирилганда М. исмли Германия фуқаросининг ёнида божхона баённомасида кўрсатилмаган 1500 немис маркаси борлиги маълум бўлди.

*Худди шу йўналиш бўйича 13 июнда текширув ўтказган божхона ходимлари Ўзбекистонлик А. исмли шахснинг ёнидан гайриқонуний равишда олиб кеталаётган 12800 АҚШ долларини топишган.

*Тошкент-Нью-Йорк самолётининг 19 июн кунги рейсида учаётган С. исмли шахс гайриқонуний равишда қадимги пулларни жумладан, 1909 йилги 5,10 сўмлик, 1898 йилги 1 сўмлик ва 1917 йилги 250 сўмлик пулларни олиб кетишга уринганда хушёр божхона ходимлари томонидан қўлга олинди.

*22 июнда божхона назоратчилари Тошкент-Франкфурт рейси бўйича қатновчи самолёт йўловчиларини божхона кўригидан ўтказётганда антиқа бир ҳодисанинг гувоҳи бўлишди. Маълум бўлишича, А. исмли Англия фуқароси оқ нодир металлдан ишланган, 1907 йилда зарб этилган 10 тийнлиси ва 1916 йилга оид сарик металлдан тайёрланган бир қанча тангаларни яширинча олиб кетиб ўз «коллекцияси» ни бойитмоқчи экан.

*21 июн куни Тошкент-Истамбул йўналишидаги самолёт йўловчилари божхона кўригидан ўтказилаётганда Х. исмли Ўзбекистон фуқароси божхона баённомасида қайд қилинмаган 5 дона қадимий, нодир китоб билан ушланди.

*5 июлда Тошкент-Дехли самолёти йўловчилари божхона назоратидан ўтказилаётганда Б. исмли шахснинг ёнида яширинча олиб кетишга уринган 2400 АҚШ доллари борлиги маълум бўлди.

*10 июлда эса Тошкент-Нью-Йорк рейси билан учувчи самолёт йўловчиларидан бири 1055 АҚШ долларини гайриқонуний олиб кетаяётганида божхона постида ушлаб қолинди.

*Шу кун Тошкент-Тел-Авив самолёти йўловчиларидан бирининг ёнидан божхона баённомасида қайд этилмаган 3 дона нодир металлдан ишланган қошиқ топилди.

Шавкат ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар Божхона хизмати инспектори

КЕЛИНОЙЛАРИМ — КЕЛИН ОЙЛАРИМ

Дунёдаги ҳеч қайси юртнинг оилавий муносабатлари биздагига ўхшамаса керак. Ҳозир ҳам Юсуфбек ҳождек доно қайноталар, Ўзбек оймидек кўнгли пок қайноналар бўлган файзу-тароватли оилалар оз эмас. Лекин...

Афсуски, қайнона-келин муносабатлари, кўпол қайноталар, оқибатсиз қайинсингиллар, қайнэгачилар ҳақида кўп эшитганмиз, турмушда, маҳаллаларимизда бундай воқеаларнинг кўп гувоҳи бўлганмиз. Аммо, ҳозир гап бошқа нарса ҳақида кетаяпти...

Иккита янгам. яъни, келиноним ва иккита ажойиб келинларим бор. Келинонимларим саранжом-сарипта, пазанда, чевар аёллар. Катта келиноним бир челақ сув олиб келишимиз керак бўлиб қолса ҳам «Айла-ниб кетай сиздан, ўргилиб кетай сиздан», — дея муомала қиларди. Биз ширин сўзлардан шу қадар севиниб кетардикки, бир челақ эмас 20 челақ сув олиб келишга, агар «ҳовлини супуриб беринг», деса бу-

тун маҳаллани ҳам супуришга тайёр бўлардик. Бордию жаҳлини чиқарсак ҳам «Вой, худо сийлади» деб қўя қоларди.

Кичик келинонимга жўрттага ҳақ ёки эркалик қилсак «Сизнинг гапингиз тўғри, акангиз доим сизни мақтайди, мен ҳам сизни яхши кўраман», дер эди. Бу гаплардан кейин дарров виқор билан иш тутадиган ақлли одамга айланардик.

Келинонимларимнинг ўзлари қайнона бўлишганига ҳам анча бўлди.

Энди истайманми-йўқми қайнэгачи бўлдим. Гарчи бугун бизлар ҳам келин бўлиб бошқа хонадоннинг бекаларига айланган бўлсакда ота-онамиз яшаб турган даргоҳга боришни қанда қилмаймиз. Бир пайтлар юзимишга тик қарай олмаган келинларимиз бугунги кунда салобатли, тадбиркор уй бекаларига айланганди. Биз қайнэгачилар эса энди улар билан бемалол оила, рўзгор ташвишлари ҳақида маслаҳатлашамиз.

Яширишнинг ҳолати йўқ, Келин-

ларимиз янги тушган пайтларида баъзи келишмовчиликлар ҳам бўларди. Гоҳида арзларини тинглаб «Қози»лик қилган пайтларим ҳам бўган.

Ёш оилаларнинг бузилишида, кўпинча қайнэгачиларнинг «роллари» катта бўлади. Буни нафақат мен, кўпчилик инкор қилмайди. Суд маслаҳатчиси бўлиб суд мажлисларида қатнашганимда ажралишаётган келинчақлар зор йиғлаб, ажралишга қайнэгачилари сабабчи эканликларини айтишарди.

Аёл оламини тебратар, деб бекор айтишмаган. Аёл меҳрибон она, ораста уй бекаси, ғамхўр дўст, маслаҳатчи, садоқатли хотин бўла олади.

Ҳай-ҳай унинг ғазабини келтирсангиз, қалбиди ишончсизлик, рашк оловини учқунлантурсангиз...

Ҳар бир оила ота-онага ҳамфикр бўлиб, келинларнинг яхшилигини ошириб, ёмонини яширишда қайнэгачиларнинг хизмати катта. Акаларимиз, укаларимиз бегона эмас, жи-

гарбандларимизку, нега осойишта ҳаётларига раҳна солишимиз керак? Нечун келинонимларимиз, гулдек келин оиларимиз, тиқ этган овозимиздан чўчишлари зарур?

Келинлару келинонимларимиз ака-укаларимизнинг уй-жойларини озода сақлаб, топиш-тутишларига баҳоли-қудрат ҳисса қўшаётгани, бирини икки қилаётганлиги, муҳими, бизларнинг авлодларимизга авлод қўшиб, уларни тарбиялаётганлари учун, ота-онамизнинг иссиқ-совуғидан хабар олаётганлиги учун уларни бошимизга кўтаришимиз керак эмасмикан?

Муҳтарам қайнэгачилар, қайинсингиллар! Келинонимларимиз ойдек тўлиб, қуёшдек кулиб кутиб олишса, етти қават кўрпачага ўтказишса, топганларини дастурхонга тўкишса, яна бизга нима керак? Уларнинг беминнат хизматидан, меҳридан мамнун бўлиб кўнглимиз ором олиб яшайдан яхшироқ нима бор?

Басира САЙИД АЛИ

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТАР



СУХАРТОНИНГ ТЎНФИЧИ

Биз бу гал Индонезия президенти жаноб Сухартонинг тўнгич фарзанди - кизи Сити Нардижанти Рукмана ҳақида сизга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлаётганлигимиз бежиз эмас, албатта. Чунки ўзининг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги билан донг таратган бу аёлга буғунги кунда нафақат Индонезия балки бошқа ривожланаётган давлатлар мутахассислари ҳам тан беришмоқда.

Даставвал Сити бизнес оламида умуман тажрибага эга эмас эди. У икки

йиллик муҳандислик мактабини тугатга, бизнес сирларини ҳам ўрганишга кунт қилди. Натижада эри ва болаликдаги икки ўртоғи билан бирга 1985 йилда «Ситира Ламторо Ганг Персада» номили компанияга асос солиб унга президентлик қила бошлайди. Гарчи бизнес соҳасида машҳур бўлиб кетган укаларининг таниқли компанияларидан унинг компаниясининг нуфузи пастроқ бўлсада, тез орада кўзга кўрина бошлади. Компанияда Ситининг эридан ташқари сингиллари Сити Хедияти Прабово, Сити Хутоми Ен-

данд Адинингсхилар ҳам ишларшди.

Индонезияликлар ишбилармонлик, тadbиркорлик, бизнес дунёсида мамлакатнинг энг олди аёли саналган Ситини ўз тилларида «Тутут» хоним деб ҳам аташди.

Сити асос солган компания Жакартанинг йул солиғи билан шуғулланади. Шунингдек, «Суматра» номили қоғоз ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда китоб, журналлар нашр қилади. Компанияга қарашли ТРІ — маърифий телестанция, бадий филмлар ишлаб чиқа-

риш маркази, маҳаллий радиостанция, телекоммуникация жиҳозлари мануфактура-си халққа беҳимнат хизмат кўрсатапти.

1990 йилда компаниянинг йиллик даромади 125 миллион АҚШ-долларини ташкил этди. Компания ҳозирда 30 яқин дунёга машҳур компаниялар ва фирмалар билан алоқа қилади, ҳатто рақобатлаша олади.

«Отасининг мансаби сабабли бу даражага кўтарилапти, деб ўйлайдиганлар хато қилишади. Чунки отам бизга фақат маънавий жиҳатдан ёрдам бериб, йўл-йў-

риқ кўрсатади, ҳолос», дейди Сити, баъзи бир миш-мишларга жавобан.

Сити ҳозирда 47 ёшда бўлсада, жамоат арбоби сифатида ҳам алоҳида нуфузга эга. Жумладан, у «Индонейжн Сошиал Воркерс Ассосейшн», «Юнайтед Прайвёт Рэдио Бродкастинг Сервис оф Индонейжа» «Индонезия қон-донорлик ассоциацияси» ва Индонезия Ёшлар Ташкилотининг раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Сафар АЛИ
тайёрлади

(Давоми. Боши ўтган сонларда)
(Иккинчи фасл. Тарикатнинг маъноси ва унга тегишли нарсалар ҳақида.)

Агар тарикатнинг маъноси нима деб сўрасалар, дегилким, тарикат деб луғатларда тўғри йўлни айтишлар. Истилоҳ сифатида эса сулуқ манзиллари (яъни маънавий — ахлоқий покликни босқичлари)ни босиб ўтиш ва бу мақоматда (даража — мартабаларда) тараққий этиш хислати, йўл-йўриғини билдиради. Агар тарикатнинг асли нечта (белгидан иборат) деб сўрасалар, учта (белги) деб айт: дам (нафас), қадам ва қарам. Агар буларнинг ҳар қайсиси нима маънони билдиради деб сўрасалар, жавоб бериб айтким: дам (нафас) — айтилиши лозим бўлмаган нарсалар ҳақида дам урмаслик (яъни сўзламаслик); қадам — қилиниши манъ этилган ишларга қадам урмаслик; қарам — иш билан шуғулланиш ва керакли ишни қилиш, ҳам иш пайтида қалб тоатини қанда қилмаслик. Кимки бу уч асл (талабдан) бирортасини бажармаса ва ёки билмаса, у тарикатдан баҳраманд эмасдир...

Тарикатнинг мақомати (босқичлари) нечта деб сўрасалар, тўрт юз қирқ тўртта деб айт. Аммо унинг ҳаёми тўрт мақомда мужассамдир: аввал тавбаким, у икки навъ бўлади: бири — гуноҳдан зоҳиран тавба қилиш, иккинчиси — худбинликдан ботинан тавба қилиш. Иккинчиси — хавф, яъни қўрқув. Гуноҳдан, ғайри шаръий ишлардан қўрқиб, Аллоҳга қўрқиб, риёзатнинг азобларидан қўрқиб. Ана шу хавф, хатардан қўрқмай, эсон-омон ғолиб чиққан, дунё бандларидан қўтилишга қудрати етадиган одам ўзини тарикатта мансуб, деб билиши мумкин. Учинчиси — жиҳод, яъни нафс билан жанг олиб бориш. Тўртинчиси — сабр. Сабр мақсад эшигининг калитидир. Агар тарикат аҳқоми (хуқмлари) нечта деб сўрасалар, олтига деб айт: аввал — маърифат, иккинчиси — саховат, учинчиси — таваккул, тўртинчиси — тафаккур, бешинчиси — сидқ, олтинчи — яқин (шақ-шубҳасиз ишонач).

Агар тарикат арқони (устунлари) нечта деб сўрасалар, бу ҳам олтига деб айт: биринчи — фарз этилган ишларни ўрганиш, иккинчи — илмни амалда тadbик этиш, учинчи — халқ ичида яхши

хулқ билан ном қозониш. Тўртинчи — риёзат чекиш, токи кўнгил кўзгуси жидду жаҳд сайқали билан равшан топсин. Бешинчиси — ҳамиша Дўст (худо) номини зикр этиб туриш. Олтинчи — Дўст дийдорини кўриш учун қучли иштиёқ ва шавқ билан интилиш, кўнгилни Дўст ёди билан банд этиш.

Тарикатнинг суннати (расм-одати) нечта деб сўрасалар, олтига деб айтгин: аввал — вақтни жамоат билан ўтказиш, иккинчиси — саҳар ва шом пайтларида хотиржам бўлиш, учинчи — доимо пок юриш, тўртинчи — кўнгилни асрай билиш, бешинчи — зикри такбирни бажо келтириш, яъни «Аллоҳу акбар»ни айтиб туриш, олтинчи — пирлар, ота-боболарни яхшилик билан хотирлаб туриш.

ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ

ФУТУВВАТНИНГ МАНБАИ, МОҲИЯТИ, ТАРИҚАТ ВА ОДОБ ҲАМДА УНИНГ РУКНЛАРИ ҲАҚИДА

Агар тарикатнинг мустаҳабби — мақбул ва маъқул удумлари нечта деб сўрасалар, буни ҳам олтига деб айт: биринчи — кишиларга очик юз билан муносабат кўрсатиш, иккинчи — таомин ёлғиз эмаслик, учинчи — қанчаллик оғир, азобли бўлмасин, юзни бориштирмасдан ўтириш, тўртинчи — барчага баравар хайр-эхсон кўрсатиш, бешинчи — ҳамма ерда ҳурмат эҳтиромни сақлаш, олтинчи — ўзининг ва пирлари, устозларининг номусини сақлаш...

Агар тарикатнинг наҳйиси, яъни манъ қилинган ишлари нечта деб сўрасалар, бешта деб айтгин: аввал — нафс ҳавасларини тарк этиш, иккинчи — бойликни тарк этиш, учинчи — ёлғонни тарк этиш, тўртинчи — зиёни тарк этиш, бешинчи — ҳиснатни тарк этиш.

Агар тарикатнинг абжоди нечта деб сўрасалар, дегилким, тарикат абжоди даставвал катта ва кичик абжодларга бўлинади. Агар кичик абжод қайсидир деб сўрасалар, кичик абжод қуйидаги ўн тўрт сўздан иборат деб айт: биринчи — хоксорлик билан ўзи тупроққа айлантириш, иккинчи — мужоҳидат, яъни сайъ — интилиш белкурати билан ул тупроқ (ер) ни чопиш, учинчи — унга муҳаббат уруғини сочиш, тўртинчи — уни маърифат суви билан парваришлаш, бешинчи — риёзат ўроғи билан ўриш, олтинчи — таваккул арқони билан боғлаб, қаноат хирмон

тиржамъликка интилиш, олтинчи — ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориш, еттинчи — хавфу ражо (қўрқув ва умидни) ўз шиорига айлантириш, саккизинчи — раҳнамолик қафолатини бўйинга олиб, ҳар бир толиб шахсни мақсадига етказиш, тўққизинчи — ўзини (бошқалардан) паст деб билиш, ўз — ўзидан ҳисоб талаб қилиш, ўндинчи — факр риёзатини чекиш, ўн биринчи — кўнгилларни зиёрат этиш, яъни кўнгиллари қазбасига ситғиниш, ўн иккинчи — факр аҳлининг сирини сақлаш, ўн учинчи — халқнинг шукрини қилиш, ўн тўртинчи — сидқу сафо кўрсатиш, ўн бешинчи — вақтни бекор кетказмаслик, ўн олтинчи — фурсатни ғанимат деб билиш, ўн еттинчи — тамаъни батамом эсдан чиқариш, ўн саккизинчи — ҳеч кимга зулм, жабру жафони раво кўрмаслик, ўн тўққизинчи — илмни севиш ва олимлар билан ўтириб суҳбатлашиш, йигирманчи — одамлар гийбатини қилмаслик ва ўзи билан машғул бўлиш, йигирма биринчи — қаноатни ўз ҳаётининг асоси ва фаолиятининг пойдевори деб билиш, йигирма иккинчи — имкону қурби еткунча маърифат камолига интилиш, йигирма учинчи — дилнавозлик қилиш ва кишилар кўнгилни кўтариб, қалбини шод этиш учун интилиш, йигирма тўртинчи — ўзини ўзи маломат этиш ва маломатдан қўрқмаслик, йигирма бешинчи — ҳаммага талабгор бўлиш, йигирма олтинчи — аҳдга вафо қилиш, йигирма еттинчи — ростлик йўлида юрганларга йўлдош бўлиш ва эгри кишиларга ёрдамчи бўлмаслик, йигирма саккизинчи — фаҳш сўзни оғизга олмаслик, соқов бўлиш, ёлғон ва зиённи, ростлик ва фойдага буриш, йигирма тўққизинчи —


худо исмларини зикр этиб туриш, пирлар ва аждодлар хотирасини эсга олиш.

Агар тарикатнинг имони нима деб сўрасалар, руҳнинг (шахснинг) иродада оғишмай мустаҳкам туриш, яъни пир ва устоз амрини устивор туриб адо этиш, деб айт. Агар тарикатнинг интиҳоси — хатми нимага асосланида деб сўрасалар, қуйидаги ўн нарсaga асосланида деб айт: аввал — зикр, иккинчи — шукр, учинчи — хизмат, тўртинчи — тоат, бешинчи — мурувват, олтинчи — қаноат, еттинчи — муҳаббат, саккизинчи — таслим (итоат), тўққизинчи — таваккул, ўндинчи — тавҳид.

Агар тарикатнинг такбири нима деб сўрасалар, тўғри ва мақбул сўз айтиш дегин. Агар тарикатнинг рукни — устуни нима деб сўрасалар, хос сўзни хос жойда хос кишиларга айтиш, деб айт. Агар тарикатнинг сужуди (саждалари) нима деб сўрасалар, чуқур маъноли, ҳаммага маъқул сўзларин тапириш, жавонмардлар билан дўстлашиш, деб айтгин. Агар шарият, тарикат ва ҳақиқат орасида нима фарқ бор деб сўрасалар, ҳар учаласи ўзоба вобаста деб айтгин. Шарият — равшан билган нарсалардир, нишондир, ҳурматдир. Тарикат — қалдириладиган нарсалар, интилиш, баёнлар, хизматдир. Ҳақиқат — кўриш учун курашиш, кўриладиган нарса, яъни аёндир, ҳикматдир. Агар булардан ҳар бирининг самараси нима деб сўрасалар, дегил: шариятнинг самараси — аҳдга вафо, тарикатнинг самараси — фикр, яъни ўзидан воз кечмоқ, ҳақиқатнинг самараси — бақо, яъни ботилдан умидни узиб, ҳақ суйган ишларга боғланиш. Агар тарикатнинг обрўи нима деб сўрасалар, бу икки асосдан иборат деб жавоб бер: аввал шукри, дарвешлар олдида қуруқ қўл билан бормасин, иккинчидан ҳамиша таҳоратли, пок бўлсин.

Агар шарият, тарикат ва ҳақиқат сўзларининг ҳарфлари нимага ишорат этади деб сўрасалар, жавоб берилгилким, «шарият» беш ҳарфдир (араб ёзувидаги шакли назарда тутилди) ва уларнинг маънолари қуйидагичадир: «Ш» — ибодат шартини бажо келтириш, «Р» — мумкин нарсани мумкин эмас нарсалдан ажратиб, «Й» — яқдил бўлиш, «Б» — илм ўрганиш, «Т» — талаб қилиш. «Тарикат» сўзи ҳам беш ҳарфдан иборат: «Т» — талаб қилмоқ, «Р» — бўлиш, «Й» — ишонч ҳосил қилиш, «Т» — таважжуҳли бўлиш. «Ҳақиқат» сўзи ҳарфлари ҳам маънолидир: «Х» — ҳузурланиш, дил ҳузур, «Қ» — тажриб (ёлғизланиш) саҳросига қадам қўйиш, «Й» — тафрид (дунё тааллуқларидан қўтилиш мартабасида бирлашиш, «Қ» — мажозий борлик, яъни вуҷуд борлиғи қайидан қадимни кўтаришким, солиқнинг назари ашё ҳақиқатини идрок эта олади, «Т» — тавҳид. Ушбу ўн беш сифат мавжуд бўлган эр қомил ва мукаммал инсондир ва у тарикатнинг пешволитига лойиқ бўла олади ва шайхлик жойнамози устига чиқишга сазовордир.

(Давоми бор)



ДУНЁНИНГ КИЧКИНА ДОНИШМАНДЛАРИ

Офтобруядамиз. Нахот хивчинни «от» қилиб тинмай у ёқдан бу ёққа чопади.

— Бирпас дам ол, кўзи-чоғим, чарчаб кетдинг.

— Отда чопаяпман-ку, чарчамайман.

— Сенга қарайвериб, мен ҳоридим, бошим айланиб кетаяпти.

— Келинг, унда сизниям отимга мингаштириб оламан.

*** **

Ҳайвонот боғидамиз. Ўкираётган шерни Нахот узокдан томоша қилади, яқинлашгани чўчибди:

— Боя шерданам, бўриданам кўрқмайман деб мактангандинг-у, бор энди ёнига, — «гж-гж»лайди опаси.

— Унда кўрмаётгандимда. Кўрмасам, конечно, кўрқмайман, — дейди Нахот.

*** **

Нахот кўчадан ҳовлиқиб

киради:

— Ая, Арслон акамнинг кучуги-чи ёмон бола экан, ҳаммага ҳурвотти...

*** **

Ишдан қайтаман.

— Ая, кун бўйи анави катта гилосимизнинг шохлари деразамизни урди.

— «Нахот, кўчага чиқ» деб сени чақиргандир...

— Йўқ, шамолдан аччиғи қистади...

*** **

Опа-ука «Қирол Шер» мультфилмини томоша қилишяпти, шерик бўламан.

— Таржимоннинг овози бир-рам гўнгиллаяпти, ўзининг овозини берса-ку, — дейман.

— Синба (шервачча) инглиз-ку, ўзининг овозини берса, тушунмаймиз, — дейди опаси.

— Синба видеода инглиз, анави телевизоримиздан «Камалак»да чиққанда — ўзбек, билдингми? — дейди Нахот.



Сен ҳам боғчага бормадингми?

Х. Мирзакаримов сурати

СЕНГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ, ГУЛИ...

(қатра)

Яқиндагина менинг мучал тўйим бўлган эди. Ойим совға қилган кўйлагимга сенинг роса ҳавасинг келган эди, ялтироқ мунчоқларини аста ушлаб кўрган эдинг.

Мен «ҳадемай сенинг ҳам туғилган кунинг бўлади, ойинг сенгаям шунақа кўйлак олиб берадилар», — десам, «ойимнинг бунақа кўйлакка пуллари етмайди», — деб ҳўрсинган эдинг.

Мен ўшанда сенинг ойинг ҳам менинг ойимдай пуллари кўп, «Мерседес» машинаси бор хотин бўлишини жуда истаган эдим.

«Қошки Гули ҳам ёлғиз қиз бўлса, мендай ранг-баранг кўйлақчалари, туфличалари бўлса... Икковимиз ясашиб, ҳамманинг ҳавасини келтириб юрсак...» деб ўйлагандим. Бугун сенинг мўчал тўйинг бўлди. Бувим унча рўйхўш бермасалар ҳам, ойим: «Ақли қизча. Шу ўртоғи менга ёқади», — деб сеникига боришимга қўнди.

Учта аканг, учта келинойинг, жиянчаларинг... эҳ-ҳе, икки хоналик уйинг меҳмонларга тўлиб кетди.

Акаларинг сенга хушбўй сувлар очиб беришди, келинойиларинг сочларингга гуллар тақийди, жиянларинг шеърлар айтиб беришди... Сен бирам сулондинг, акаларинг, келинойиларингга шунақа эрқаладинг, жиянларингга шунақа эрқаладинг...

Менинг ҳамманикидан чиройли кўйлагим сенинг эсингга келмади, бирор марта қарамадинг ҳам.

«Ол, Нози, мана бу тортни Муқаддас кеннойим пиширганлар, — чеварлар ўзлари, лекин тортниям боғлайдилар, ол, гулчасидан ол. Мана бунисини Эътибор кеннойим пиширган, анаву бижи-бижи жияним бор-у, ўшанинг ойиси. Саодат кеннойим норин қилганлар, сани ойингга ширин қиладилару кеннойимники бир бошқача, татиб кўрсанг-чи...»

Хой, Мухай — асалча, кел, Нози опачангга «Қарға кирди»ни ўқиб бер...»

Сен гапиратиб бирам чиройли бўлиб кетдинг... Мен акаларинг, келинойиларинг билан бир-бир кучиб, ўлиб хайрлашганларингни кўриб турдим...

«Мана, шу оддийгина, кичкина ҳаворанг «Москвич». Унга сийиб кетган баланд бўйли акалар, келинойилар, мана шу хонтахта кўрпача тўшалган уй, ҳамма-ҳаммаси меники бўлишини истадим. Даданг, ойинг ҳам кўзимга ҳар доимгидан бошқача кўринди...

«Мана, мени ойинг билан кузатиб кетдинг... Бўм-бўш, акаларсиз, дадасиз уйга киргим келмаяпти.

Сенга жуда ҳавасим келяпти, Гули...

• Болалар ўйинлари

ЧАНДИШ НИМА, БИЛАСИЗМИ?

Чандиш ўйнаш учун «Болалар дунёси»гаям, Чорсу, Ипподромгаям боришинг зарурати йўқ. Майдон ҳам керакмас. Икки оёғингиз сигадиған жойу битта ўзингизга ўхшаган ўртоғингиз бўлса, бас!

Сиз бошлайсиз:

— Шапка, де, — дейсиз.

Ўртоғингиз билагон бўлса, — ўзинг айт,

— дейди.

Соддароқ бўлса:

— Шапка, — дейди.

Сиз дарров:

— Тушунмайсан гапга, — дейсиз.

Хохласангиз:

— Елкангга эски папка, — деб давом эттираверасиз. «Шапка»га сиз кўп қофия топсангиз сиз, ўртоғингиз топса, ўртоғингиз қолиб бўласизлар.

Ўйин олдида «ким ютқизса...» деб шартлашиб оласизлар. Лекин «иккита жвачка олиб беради» деб шартлашманглар. Чўки жвачка бирон жойингизга ёпишса, ёпишган ерни қирқиб ташлашга тўғри келади.

Чандиш ёқдимиз? Ёқса бошладик:

— Улуг, дегин.

— Улуг.

— Икки кўзинг чўғ.

— Қўлингга тўғ.

— Йўғ-е, — йўғ.

— Рост, чўнқакда буг...

Яна бир гапни айтиб қўяй: Чандиш халқ оғзаки иходидаги ўйинлардан бири. Демак бу ўйинни бобомиз, унинг боболариям ўйнаган. Топқир, зийрак бўлишсин, деб бизгаям қолдириб кетишган. Уларни хурсанд бўлсин десак, биз ҳам чандишни яхшилаб ўрганиб, катта бўлгач, укаларимизга ўргатишимиз керак. Ўр-

ганимизми?

— Уч, дегин.

— Уч.

— Билагингга куч.

— Тўрт, дегин.

— Тўрт.

... Ватанинг овоз юрт.

— Тўққиз, дегин.

— Тўққиз.

— Кел, оғайни ютқиз.

Балки сиз бошқачароқ чандишларниям биларсиз? Ундай бўлса бизга ёзиб юборинг, болалар саҳифамизда эълон қиламиз. Келишдик-а?



Саҳифани Қўлибек Раҳимбоева тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ

Кўзингда қуёшлар кулади,
Йўғласанг, кўзёшлар

кулади.

Оёқчанг текканда

шиқирлаб,

Қотиб ётган тошлар

кулади.

Осмонларга ҳавас

боғлайсан,

Ўзингни учмоққа чоғлайсан.

Хоҳлайсан чиройли бир умр,

Жасоратли умр хоҳлайсан.

Ким сенинг йўлингни

кесади,

Ёнингдан ҳур шамол эсади.

Қалбингнинг энг чуқур

жойидан

Энг баланд муҳаббат ўсади.

Кувонч тизгинимда дур

болам,

Бахтиёр эртанга юр, болам.

Оловим, зийрагим, топқирим,

Хур болам, нур болам, зўр

болам.

ҚУПОҚСИЗ АЙИҚЧА

(ЭРТАК)

Онаси айиқчани сайрга олиб чиқибди. Айиқча узоқдаги мойичақани кўрибди-ю, узиб олиш учун югуриб кетибди. Шу пайт унинг олдида чўлбака чиқиб қолибди.

— Сен кимсан? — сўрабди бақа.

— Кимлигини билмайман, — дебди айиқча.

— Қандай дахшат, — дебди чўлбака хайратланиб, — лоқал онангнинг кимлигини биларсан?

— Онам айиқ.

— Демак, сен ҳам айиқ экансан, — дебди чўлбака бир зум хаёлга толиб.

— Ўзингиз кимсиз? — сўрабди айиқча.

— Мен чўлбакам.

Айиқча йўлида давом этибди. Бир маҳал унинг олдида Кўёнка чиқиб қолибди.

— Сен кимсан? — сўрабди айиқча ундан.

— Мен, кўёнкаман, ўзингиз? — дебди кўёнка.

— Чўлбақанинг гапига қараганда — Айиқман!

— Айиқлар катта бўлади. Сен бўлса кичкинагансан. Менимча, бўрсиқ ёки олмаҳон бўлсанг керак, — дебди кўёнка бидирлаб. Айиқча бу гапни эшитиб йўғлаб юборай дебди.

— Балки тулкидирсан, унда сендан қочошимга тўғри келади, — дебди кўёнка сўзида давом этиб.

— Кўрқма, — дебди айиқча, — кел аввал менинг кимлигини аниқлаймиз. Ростдан ҳам тулки бўлсам хоҳлаган томонингга қочаверасан.

Айиқча шундай дегач, икковлон йўлга тушибди. Улар кетаверибдилар, кетаверибдилар. Олдиларидан кийик чиқиб қолибди.

— Кимсизлар? — сўрабди кийик.

— Мен кўёнкаман, — дебди шалпанқулоқ.

Абдурахмон АКБАР тайёрлади

РАҲМАТ БОБОНИНГ БОҒЛАРИ

Тасаввуф оламининг катта алло-маси Сўфи Оллоёр ҳазратлари сўнги манзилгоҳ қилган Олтинсой туманидаги Катта Бахшивор қишлоғида Раҳмат бобо Ҳотамов деган етмиш ёшли бир чол яшайди.

Тоғли ерда нима кўп — сояси қуюқ оромгоҳлар кўп. Бошқа айрим тенги-тўшлари қатори Раҳмат бобо ҳам ёзда соянинг қуюғини олиб, қишда эса иссиқ қўй гўшtidан қилинган шўрвани истеъмол қилиб, ёнғоқ, бодом қақиб гап-гаштакка олов бериб ўтирса ҳам бўларди. Ахир, вақт барибир ўтаверади. Лекин Раҳмат бобо... ишлаган, холос.

...Катта Вахшивор қишлоғида юз гектар дарахтзор боғ, қирқ гектар узумзор барпо қилди. Ўн икки йил фақат пайванд билан машғул бўлди. Бугун эса юз гектар авжи ҳосилда турган боғлар шовуллаганча бобонинг меҳнатини эслатиб турибди.

Кошки эди шу юз қирқ гектарлик боғни бунёд қилиш осон кечган бўлса. Саратон иссиғида кўчатлар қуриб қолмасин деб ҳаттоки фляга, камердан қилинган идишларда орқалаб сув ташиб қўйишди. Ана шу катта, серҳосил боғнинг пайдо бўлишида Раҳмат бобо билан бирга

Толиб Маннопов, Жума Эшқулов (раҳматли), мулла-Турди Жабборов, Ғани Холиқов, Ибод халфа Саидмуродовлар ҳам баб-баравар тер тўкишган, меҳнат қилишган.

Бир нарсани айтмоқ жоиз: боғ барпо этишда дарахтларнинг сара, серҳосил навлари танланди. Боғда ҳозир биргина нокнинг 48 хил нави ҳосил бераётир. Олманинг эса етти нави бор. Масалан, Катта Вахшиворнинг боғларида етиштирилган: «Семеренко», «Золотая звезда», «Графштейн», «Летний перс», «Хубони», «Хашаки», «Эски трамвай» нав олмалари ҳар қандай бозорни ҳам обод қилади.

Катта Вахшиворда ёнғоқ, бодом ҳам мўл бўлади. Бу меваларни баҳор, ёзда қурт урмайди, мағзи тўқ, ёғли бўлади. Бозорларда эса харидорнинг ақлини ўғирлайди. Хуллас, мақтайверсангиз гап адо бўлмайди.

...Одамзод гоҳо алдамчи, гоҳо ўта армонли ўйлар гирдобидида яшайди. У йигитлик айёмида ишлайди, елади, югуради, лекин, умри давомида, кексаликда ўзини нималар кутаётганлигини билмайди... Нафақага чиқишига икки йил қолганида собиқ Карл Маркс номли жамоа ҳўжа-

лиги директори Зиёдулла Очилов деган йигит билан гапи чаплашиб қолди. Очилов раҳбар сифатида зўрлигини ўтказаман деди. Раҳмат бобо эса ўзининг ҳақлигини исботлаб, оёқ тираб туриб олди. Раҳмат бобо деганимиз эса эллик саккиз ёшида ҳам «ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боп билан», деган мақолга ишонмай юрган одамлардан экан. Директор гапни қисқа қилди: «Бўлди, энди ишдан кетинг!» Раҳмат бобонинг феълида мағрурлик, қайсарлик бор. «Агар мен ишлаётганим учун дунё сизга торлик қилаётган бўлса, мана, кетдим!» деди-да, ишдан кетди-қўйди. Шу билан якун топдики, бобо энг кам пенсия оладиган бўлди. Энди эса шуниси алам қилмоқда.

— ...Йигирма бир ёшимда бир туш кўрган эдим. Маъно-мазмуни ҳозир тўлиқ эсимда, — дейди Раҳмат бобо, — Шу кўрган тушимдаги воқеаларнинг бари-барини умрим давомида кўрдим, бошимдан кечирдим...

У туш нима эди, маъноси нима? Биз ҳам сўрамадик.

...Юз қирқ гектар боғзор, да-

рахтзорнинг эгасига нима қолди? Фақат савоб қолди, холос. Аслида одамзодга шу керак эмасми? Лекин... ўтган йили Термизда жарроҳ бўлиб ишлайдиган ўғли жўралари билан отасини кўргани, қишлоқни зиёрат қилгани Катта Вахшиворга келди. Пишиқчилик пайти эди. Шунда бир ҳадди сизди:

— Ота, ўзингиз эккан, эктирган, парваришлаган нокдан бир челақ олиб кетайлик!

Боғ қоровулига одам юборишди. Кетган одам челақ билан қуруқ қайтиб келди. Қоровул бермабди. Катталар уришар эмиш. Раҳмат бобо шунда бир ранжиди, бир маънос тортидики, асти қўяверинг. Ростда, экиб, парваришлаб, вояга етказиб мевасидан тотмасанг, алам қилар экан.

Умрнинг кўп қисми ўтди, қўлдан келганча элнинг қорига яради. Раҳмат бобога шу таскин, шу ёруғ хаёл қолди бу дунёдан...

Кексалик эса... бир ажиб, бир маънос кексалик умр довонидан тушиб келди.

**Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,
Сурхондарё вилояти**

ни топади.
Қизиқарли воқеаларга бой ушбу киноасарни бутун оила жам бўлиб куриши мумкин.

ЭД

Кинокомедия

Режиссёр — Билл Кутюр

Ролларда — Жен Уорден, Мэтт ЛеБланк, Жейн Брук.

1996 йил. «Юниверсал пикчерс»

Агар Сиз ҳайвонлар ва спорт билан боғлиқ воқеаларни ёқтирсангиз, ушбу филм сизга маъқул бўлиши муқаррар. Уйлаймизки Эд исмли ақлли маймуннинг (филм номи ҳам унинг лақабига қўйилган) қизиқарли саргузаштлари хатто ўта жиддий одамларни ҳам бифарқ қолдирмайди.

Бу филмни албатта кўринг, дилдан кулиб, завқ olasиз.

БАҚИРОҚЛАР

(Крикуни)

Фантастик жангари филм

Режиссёр — Кристиан Дюгей

Ролларда — Питер Уэллер, Женифер Рубин.

1996 йил. «Коламбия пикчерс»

2027 йил. Сириус 6 Б сайёраси. Ушбу сайёрада ердан келган одамлар орасида ўзаро уруш авжида. Улар бойлик таллашибди. Гўё барча воқеалар одатдагидек эди. Кейинчалик бу жангга одам тафаккурининг ҳосили «Бакироқлар» аралашади. Бу ихтиро, яъни «Бакироқлар» аста-секин ривожлана бориб, жамияти одамзоднинг

ВИДЕО ОЛАМИДА

1995 йил.

Бутун Америка учун оғир бўлган 30-йиллар. Шу даврда бу ерда умумий кризис бўлган ва мафия ривожланаётган эди. Гангстер тўдалари ўз таъсир кучининг ривожини учун курашадилар. Мафиячи оқ танли йигит ва хонанда қора танли қиз ўртасидаги муҳаббат томошабинга ғалатироқ кўриниши мумкин, дарвоқе бу севги филмдаги на оқ танли, на қора танли кишига маъқул келмасди.

Филм турли отишмалар ва жанглар билан эмас, балки босқинчиларнинг эълон қилинмаган уруши натижасида рўй берувчи ҳаётини воқеалар билан ҳам қизиқарлидир.

КАРИБ ДЕТЕКТИВИ

(Карибский детектив)

Агати Кристи романи асосида суратга олинган.

Режиссёр — Роберт Люис.

Ролларда — Сизон Хабли, Свузи Кертц.

Свузи Кертц.

1994 йил. «Уорнер Бразерс».

Агати Кристи романларининг доимий бош қаҳрамони бўлмиш, ўта зехнли, чақон, ақлли ва озгина айёрроқ ҳамда устамон кампир мисс Марил бу гал

сига кўтарилган. «Қоя» филмида ҳам у ЦРУ томонидан суд ва терговсиз 30 йиллик муддатга қамоққа «яширинган» инглиз разведкасининг сирли агенти ролини ўйнайди.

Отишма ва портлашларга бой ушбу филмда кекса Саймон (Шон Коннери) босқинчиларга қарши курашади.

Икки соатдан ортиқ давом этадиган бу қизиқарли филм томошабинларни зериктирмайди.

БРАЗИЛИЯ: ҒАЛАБА САРИ

(Бразилия: Путь к победе)

Хужжатли филм

1995 йил «Полиграм»

65 минут давом этадиган бу хужжатли киноасар 1994 йили футбол бўйича жаҳон чемпиони бўлган Бразилия терма жамоасининг ўзига хос тайёргарликлари ҳақида ҳикоя қилади. Филмни кўрган томошабин жамоанинг кўпчиликлари номтаълум бўлган айрим сирларидан воқиф бўлади.

Барча футбол мухлисларига Бразилия футболни ҳақида ҳикоя қилувчи бу ажойиб филмни томоша қилишни маслаҳат берардик.

Видеотасмалар билан қизиқувчилар қўйидаги теле-фонларга қўнғироқ қилишлари мумкин:

77-13-44, 77-67-12.

сия ҳуқуқ-... органлари, хусусан ички ишлар вазирлиги томонидан бу қўпурувчилик ҳаракатини чечен жангарилари амалга оширган таъкидланмоқда.

КУБАНИНГ ТАЛАБИ

Куба ҳарбий ҳаво кучларининг бир офицери мамлакат ички авиацияси самолётини ўғирлаб кетди. У тўппа-тўғри Гуантанамодаги АҚШ ҳарбий базасига кўнган. Куба маъмурлари Америкадан бу офицерни қайтариб беришни ёки халқаро қонун-қоидалар асосида суд қилишни талаб этмоқда.

НЕТАНЯХУНИНГ БАЁНОТИ

Исроил Бош вазири Биньямин Нетаняху Америка Қўшма Штатларига сафари чоғида баёнот бериб, Исроил давлати яқин йиллар ичида иқтисодий жиҳатдан кескин ривожланиб кетади, шунда у хатто Американинг ёрдамига ҳам муҳтож бўлмайди, деди.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Азиз ва муҳтарам падари бузрук-
воримиз Рихсивой ЙЎЛДОШЕВ!

Сизни 54 ёшингиз билан оила-
миз аъзолари номидан қутлаймиз.
Биз фарзандларингиз ва набирала-
рингизнинг бахтига ҳамиша соғ-
омон яхши кунларимизга бош-қош
бўлиб юришингизни Аллоҳдан сў-

раймиз деб, фарзандларингиз ва набираларингиз но-
мидан **БАҲОДИР**.

Ҳурматли Бахтиёр УСМОН ўғли!

Сизни муборак 50 ёшингиз би-
лан самимий қутлаймиз. Сизга
мустаҳкам соғлиқ, оилада ва хиз-
мат фаолиятингизда бахтиёрлик ҳа-
миша ҳамроҳ бўлишини тилаймиз...

Қомусдош дўстларингиз

Меҳрибон онажонимиз Зайнаб
ТЎРАНОВА!

Қутлуғ 45 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга
Оллоҳдан соғлиқ ва хотиржамлик тилаймиз. Бахти-
мизга доим соғ бўлинг.

Студент ўғилларингиз Шокир ва Бобошер.
Нуробод—Тошкент.

Ҳурматли жиянларим ҲАБИБУЛЛО ва
ЗИЁВИДДИН!

Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин. Доимо хо-
надонингиз нурларга тўлсин, 40 ёшингиз 100 га те-
нглашсин, пешонангиз саждага етсин. Аллоҳ ма-
дадкор бўлсин «лоиллоҳо» ҳамроҳингиз бўлсин. Ум-
рингиз узоқ бахтли-саодатли бўлинг, холангиз Мат-
луба.

Қадрли Файзулло ОТАБОВЕВ! Сизни—22 июл му-
борак таваллуд кунингиз билан чин дилдан қут-
лаймиз. Илоё, беморга жон бахш этувчи шифокор
қўлларингиз толмасин. Ҳамиша соғ-саломат бўлиб,
узоқ умр кўринг. Умр йўлдошингиз Умидахон опа
билан фарзандларингиз камолидан баҳра олиб, шо-
думон яшанг.

Синглингиз Фотимахон, куёвингиз Абдурасулжон,
Тошкент шаҳри.



Ойижонимиз Манзураҳон ТЎРАЕ-
ВАНИ 32 ёшлари билан табрик-
лаймиз. Уларга узоқ умр, сиҳат са-
ломатлик ҳамда биз фарзандлари-
нинг бахтимизга доим омон бўлиш-
ларини тилаймиз деб,

Сардор ва Сухроб,
Фарғона шаҳри.

ОИЛА

18 ЁШДА

Жиззахдан, турмушидан ажрашган, нозиккина, гў-
зал жувон. Ҳеч қаерда ишламайди (уй бекаси). Чақ-
қон, озода, ширинсўз, пазанда. Ёши 30 гача бўлган
ўқимишли, тушунган йигитнинг умр йўлдоши бў-
лишни истайди (Самарқанд, Жиззах, Тошкентдан
бўлса янада яхши) «Оила—453».

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Калинин туманидаги А. Ик-
ромов номли 45-ўрта мактаб томонидан 1991
йилда Тожибоев Абдурахим Абдуғаниевичга бе-
рилган В 190402 рақамли аттестат йўқолган-
лиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Маслаҳатлар

СОҒЛОМ ЎСГИН, БОЛАЖОН!

Ёз кунлари болани илиқ-иссиқ сувда чўмилтириш учун
энг яхши вақт боланинг узоқ ухлагандан кейинги вақти.

Болани чўмилтириш вақтида аввал уни ўнг қўлидан ушлаб, чап қў-
лининг билагига кўкраги билан ётқизилади. Чўмилтириш вақтида бо-
ланинг икки кафтини орқасига ва оёқларини эса бошига аста-секин
тегизинг.

Болани йўргаклаётганда оёқларини мулоимлик билан силаш керак.
Шунда у матлуб аъзоларини кенгайтириб, эркин қўйворади.

Боланинг бадани қаттиқ ва териси кучли бўлиши учун намакоб сур-
тилади. Намакобга йўнғичқа ёки каклик ўтидан қўшилса, янада яхши
бўлади.



УЙҚУ ХУСУСИДА

Кундузи киши ишлаганда сига ўн саккиз йил ухлаган.
бош мия, ички органлардан Йигирма икки яшар бўлга-
тортиб танадаги ҳамма нида уйғонган бу қизнинг та-
аъзолар ишга тушади. Уйку биати ёш болаларга мансуб
вақтида эса аксинча улар ёш болаларга мансуб
ўз фаолиятини пасайтириб, ёш болаларга мансуб
бироз тин олади. Мия хў ёш болаларга мансуб
жайралари кўзгалган пай- ёш болаларга мансуб
да маълум микдорда энер- ёш болаларга мансуб
гия сарф қилади ва уни ёш болаларга мансуб
тиклаш учун эҳтиёж сеза- ёш болаларга мансуб
ди. Демак, тинч ухлаб би- ёш болаларга мансуб
роз дам олиш инсон учун ёш болаларга мансуб
яратувчанлик мезонидир.

Албатта, уйқунинг ҳам сига ўн саккиз йил ухлаган.
ўзига яраша вақти бўлиб, Йигирма икки яшар бўлга-
узоқ умр кўриш, тансиҳат- нида уйғонган бу қизнинг та-
лигини истаган ҳар бир би- биати ёш болаларга мансуб
киши бу қоидаларга риоя қи- ёш болаларга мансуб
лмоғи лозим. Чунки меъёр- ёш болаларга мансуб
даги уйқу турли касаллик- ёш болаларга мансуб
лардан сақланишда асосий ёш болаларга мансуб
омил ҳам ҳисобланади.

Қанчалик чарчаган бўлма- 1963 йил 22 ноябрда Аме-
син, овқатни ея солиб уйқу- рика Қўшма Штатлари Пре-
га ётиш зарарлидир. зиденти Жон Кеннеди ҳалок
Табибларнинг маслаҳат- бўлди, аргентиналик 19 ёш-
лариға кўра туннинг қоқ 19 ёш-
ярмидаги 3 соат уйқу кўп а- ли Мария Елена Мелло бу
фзалликларға эға. хабардан қаттиқ таъсирла-
Уйқу келмаганда ўзини ниб, летаргик уйқуга кетган.
мажбурлаш ёки уйқу келсау 1964 йил у бир зум кўзини
ўзини бедорликка ундаш очиб, бир-икки оғиз сўз айт-
зарар. ган, кейин яна уйқуга кет-
Кўпплаб уламоларнинг ган.

фикрича инсон ўз умрининг 1963 йил 22 ноябрда Аме-
нғ кўп вақтини фойдали рика Қўшма Штатлари Пре-
мехнатга, илм олишга, ди- зиденти Жон Кеннеди ҳалок
ний ва дунёвий ишларга са- бўлди, аргентиналик 19 ёш-
рфлаши ва вақтида дам ли Мария Елена Мелло бу
олиши керак. хабардан қаттиқ таъсирла-
ниб, летаргик уйқуга кетган.

Уйқу келмаганда ўзини 1964 йил у бир зум кўзини
мажбурлаш ёки уйқу келсау очиб, бир-икки оғиз сўз айт-
ўзини бедорликка ундаш ган, кейин яна уйқуга кет-
зарар.

Кўпплаб уламоларнинг 1963 йил 22 ноябрда Аме-
фикрича инсон ўз умрининг рика Қўшма Штатлари Пре-
нғ кўп вақтини фойдали зиденти Жон Кеннеди ҳалок
мехнатга, илм олишга, ди- бўлди, аргентиналик 19 ёш-
ний ва дунёвий ишларга са- ли Мария Елена Мелло бу
рфлаши ва вақтида дам хабардан қаттиқ таъсирла-
олиши керак. ниб, летаргик уйқуга кетган.

Францияда тўрт яшар қиз 1964 йил у бир зум кўзини
кимдандир чўчиб сурунка- очиб, бир-икки оғиз сўз айт-
лашар экан.

АРСЛОН

(23 июлдан — 23 августгача)



УМУМИЙ ТАЪРИФ. Ҳаммага маълумки, олам тўрт унсур — Ер, Сув, Ҳаво ва Оловдан ташкил топган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган навбатдаги мучал Қуёш ҳукмронлигида бўлиб, рамзи эса Оловга қиёсланади. Шунинг учун бу мучал соҳиблари меҳрибондирлар. Арслон — ҳайвонот подшоҳи, Одам «Арслон»лар жамиятда етакчилик, раҳбарлик сифатлари билан ажралиб турадилар.

Бу мучал соҳиблари тор, кўримсиз уйлارга сиймайдилар.

Улар чиройли ва дид билан кийнадилар. «Арслон» ёши ўтган сайин босқилиги ва сокинлиги билан янада улуғлашиб боради, ҳеч қачон мағрур бошини эгмайди! Хавфли вазиятларда «Арслон» тўсатдан ҳамла қилишни ва бундай ҳолат кўпроқ «Арслон-аёл»ларга тегишлилигини сира унутманг. Катта давраларда «Арслон» ҳаммагини диққатини ўзига тортиши ёки бир бурчакда қовоғини солганча, ҳеч кимга аралашмай ўтириши билан ажралиб туради. У жуда хурматлабдир. Мабодо меҳмонингиз — «Арслон»га нисбатан эътиборсиз бўсангиз, у сизни ҳеч қачон кечирмайди.

«Арслон» маслаҳат беришни ёқтиради. Аммо, домланинг айтганини қил, қилганини қилма, деганларидек, уни-

нг ҳаёти ҳамиша ҳам ўрнак бўладиган даражада эмас. Лекин маслаҳатларини инobatга олмасангиз ҳам хато қиласиз! Негаки, унинг ўғитлари турмуш тажрибалари маҳсули бўлиб, азбаройи ўзгаларни хавфдан огоҳлантириш учун ҳам куйиб-пишади.

«Арслон»лар мақтовни ёқтирадилар, танқиддан вазоҳатланадилар. Бу мучал соҳибларининг орасида турмушга чиқмаган ёки бўйдоқлар умуман йўқ.

«Арслон»ларни кўпинча иситма безовта қилади. Аммо бу мучал соҳибларининг ҳеч бири туғма касал билан оғримайдилар. Уларнинг юраги, бели, оғриғи туради, лекин оғриқ тез ўтиб кетади.

Уларнинг битта камчилиги — ўз соғлиқларига жиддий эътибор беришмайди.

ЭРКАКЛАР. Одатда табиатан жаҳлдор ва вазоҳатли бўлсалар-да, ўз севгилиси билан босиқ, мулоим муносабатда бўлади. Лекин сиз буни енгиллаш деб тушунманг, ёдингизда бўлсин, у юрагини сизга топширганда ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимга бош эгмайди. «Арслон» севганда ҳам мағрурлигича қолади.

«Эркак-арслон» пул жамғара олмайди, айниқса севиб қолганда! Бу мучал соҳибининг рашики жуда кучли. Сухбат чоғида бошқа йигитлар ҳақида гапирманг, чунки жаҳли тез. У сизга нима кийиш, сочингизни қандай турмаклаш, қанақа китоблар ўқиш, ким билан дўстлашиш ҳақида маслаҳатлар берса, қаршилик қилманг.

Турмуш кўрагач, уйингизни доимо озода, тоза ва чи-

ройли қилиб қўйсангиз, «Арслон»ни бутун меҳрингиз билан парваришласангизгина бахтли бўласиз. Моддий қийинчиликлар тез-тез бўлиб туради, лекин ўтиб кетади.

У гўзал аёлларни мақтайди, лекин сиз «Арслон» учун гўзалликда тенги йўқ маликаси.

«Эркак-арслон» ишнинг кўзини билади. Турмушда эркак киши қилиши керак бўлган ишларни бекаму куст бажаради. Сиз ўзингизни ундан доимо бир поғона паст тутолсангиз ютасиз. У оилада болаларингиздан ҳам зиёда ардоқланишни истади. Ва бунга арзийди. Ота сифатида эса «Арслон» энг олийжаноб кишидир.

АЁЛЛАР. Бу мучал соҳиблари жозибали, гўзал ва ғурурли бўлганликлари учун кўп эркакларнинг юрагини куйдирадилар. Шунинг учун «аёл-Арслон»ни севиш ва севилиш сизга қимматга тушади. Бу аёл фамилиясида касбни улуғловчи қўшимчалари (-боев, -қўжаев, -хонов каби) бор кишиларни ҳурмат қилади. Агар шундай қўшимчасиз фамилияли йигит билан турмуш кўрса, ўз фамилиясида қолади.

У жудаям дид ва маҳорат билан кийинади, ҳар томонлама афзал бўлишни хуш кўради. Бу аёл баъзида жанжалкаш, баъзида эса босиқ, мулоим бўлиб туради. Ўз севгилисига жуда талабчандир. Агар сиз кучли бўлмасангиз у сизни сева олмайди. У спортни севади, лекин сиз уни спорт майдонига эмас, театрга тақлиф қилсангиз мақсадга мувофиқдир. Энг кам даромад бўлганда ҳам «аёл-Арслон» ойналарига чиройли парда сотиб олиш ва яхши кийиниш учун етарлича пул жамғара олади.

Уй бекаси сифатида энг лафотатли аёлдир. У ҳеч қачон уйида эски, ранги ўчган, пала-партиш юрмайди. Ўз болаларини жуда-жуда севади.

• Бўш вақтингизда


«СПОРТ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Куч ва чаққонлик талаб қиладиган спорт машқлари мажмуи. 2. Гимнастика машқларини моҳирлик билан бажарувчи спортчи. 3. Пойгала ўтказиш учун доира шаклида ишланган маҳсус йўл. 4. Теннис ўйини майдончаси. 5. Спорт анжومي. 6. Тошкентдаги спорт иншооти. 7. Эришилган энг юқори натижа. 8. Футбол командаси. 9. Чавандозлик мусобақалари ўтказиладиган маҳсус майдон. 10. Бокс майдони. 11. Ёзги олимпиада ўйинлари дастуридан ўрин олган енгил атлетика мусобақаси тури. 12. Тоғ спорти тури. 13. Энг олис масофага югуриш мусобақаси. 14. Бокс мусобақасидаги ҳолат. 15. Спортчининг ёки спорт жамоасининг раҳбари. 16. Таниқли ўзбек боксчиси, жаҳон чемпиони, олимпиада ўйинлари совриндори. 17. Замонавий олимпия ҳаракатининг фаолларидан би-

ри, ХОҚнинг биринчи президенти. 18. Ёзги олимпиада ўйинлари таркибига кирган янги спорт тури. 19. Қадимий халқ ўйинларидан бири. 20. Авиация спортининг болалар ва ёшлар шуғулланадиган тури. 21. Спортчининг маҳоратини ошириш мақсадида ўз устида тинимсиз ишлаши. 22. Тигли қурол билан ўтказиладиган мусобақа. 23. Спорт соврини. 24. Юриш қийин жойларда ўтказиладиган пойга. 25. Мусобақанинг бошланиш пайти. 26. Республикада оммалашиб бораётган спорт тури. 27. Сув спорти мусобақаси. 28. Оғир атлетика анжومي.

Шаклнинг тўрт бурчида ёзги олимпиада ўйинлари таркибига кирган спорт турла-

рини акс эттирувчи рамзлар берилган. Шу спорт турларининг номларини топинг.



Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Сўнги
устун

УРИШҚОҚ ҲОЗЛАР

Куйи Новгород вилоятидаги Тумботино кишлоғида ҳар йили ғоз уриштириш мусобақаси бўлиб ўтади. Одатда баҳор фаслида бўлиб ўтадиган ушбу мусобақалар ҳақида узок XVII асрга мансуб қўлёзмаларда ҳам маълумотлар учрайди. Ҳозлар икки яшарлигидан уришишга тайёрланади. «Жанг» пайтида рақибининг оёғидан, бошидан тишлаш, кўзини чўкиш тақиқланади. Қоидани бузган ғозлар мусобақадан четлаштирилади.

ОЛОВЛИ ҲАЛҚА

Ёнғиналар тўғайли йилига Россия иқтисодида 15-20 триллион рубл зарар етади. Масалан, Москва шина заводида юз берган ёнғинда 30 миллиард рубллик хом-ашё куйиб кул бўлди. Бино, техника ва бошқа зарарлар бу ҳисобга киритилмаган.

ЛАЙЛАК КЕЛДИ...

Германиядаги қадимий Цизар қалъасидаги минорага ёз билан бирга яна лайлақлар келди. Тарихий манбаларнинг далолат беришича, лайлақлар дастлаб XII асрда ушбу минорага ин қуришган экан.

...ИЗЛАРИНИ ИЗЛАБ

Америка қитъасига инсон оёғи дастлаб қачон теккани ҳақида тортишувлар қизиб бормоқда. Айрим олимлар инсон бундан 10-12 минг йил аввал Американи макон этганини таъкидлашса, бошқалар 40-50 минг йилдан гапирмоқда. Боготалик тадқиқотчи Филип Флёрке эса Африканинг қора танли аҳолиси 300 минг йил бурун қийқларда Америкага сузиб келган, деган фикрни илгари сурмоқда.

ОМАДСИЗ ЎҒРИЛАР

Новгороддаги бозорлардан бирида оёқ кийимлари билан савдо қилаётган аёлнинг растасидан ўғрилар бир жуфт аёллар этигини «шумо» қилиб қочишди. Кейин маълум бўлишича, сотувчи худди шунақа воқеа юз беришини билгандек, растага турли ўлчамдаги ва ўнг оёққа кийиладиган этикларни қўйган экан. Ўғриларнинг омади келмаган бўлса-да, қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришларига тўғри келади.

ОЛМАЧА-Ю ОЛМАЧА

АҚШдаги Уолкотт шахрида истикомат қилувчи Кети Уэйфлер 567 граммли бир дона олмадан узмасдан 52,5 метр пўчоқ арчиди. Бу юмушга Кети 11,5 соат вақт сарфлади.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қумитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАХИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:

Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЭПИМИЗ:

700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Алижон САҒАРОВ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0390 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок,